Ўзбек Давлат китоб палатаси 160596

ҚУТЛУҒ БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Иккинчи жаҳон уруши Ўзбекистон ҳудудидан анча узоқда кечган бўлса-да, юртимизда унинг жабрини чекмаган хонадон деярли йўқ. Зеро, қарийб бир ярим миллион ҳамюртимиз уруш машаққатларини бошидан кечирди. Тўрт юз мингга яқин киши ўлкамизга қайтиб келмади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ғалаба куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони уруш фахрийлари ва ногиронларига кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси бўлди. Байрамга ўзгача руҳ, ўзгача шукуҳ бағишлади. Зотан, Иккинчи жаҳон урушининг жанг майдонларида кўплаб ўзбекистонликлар мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатди, халқимиз — болалардан тортиб аёлларгача фронт ортида фидокорона меҳнат қилди — бу билан улар ғалабага эришишга муносиб ҳисса қўшдилар. 170 мингдан зиёд ватандошимиз орден ва медаллар билан мукофотланди. Шулардан 338 кишига Қаҳрамон унвони берилган, 53 киши эса жанговар «Шуҳрат» орденининг тўла нишондоридир.

... Кўксиларини қўша-қўша орден ва медаллар безаган, чеҳараларидан нур ёғилиб турган фахрийлар, Қуролли Кучлар ҳамда меҳнат жамоаларининг вакиллари Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қурбон бўлган ҳамюртларимиз ҳурматини бажо келтириш, номларини ёд айламоқ, уларнинг руҳи поклари таъзим қилмоқ мақсадида 9 май куни пойтахтнинг Мустақиллик майдонига келдилар. Майдон байрамона безатилган, баҳорнинг ёқимли шабадаси байроқларни ҳилпиратиб турибди.

Ўзбекистон Президенти, Республика Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони Ислом Каримов уруш фахрийлари, Қуролли Кучлар ва меҳнат жамоалари вакилларини, улар сиймосида бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам — Ғалаба куни билан қизғин табриклади.

— Бугун Ўзбекистон халқи учун, айниқса, уруш фахрийлари учун тарихий кундир, — деди Президент. — Чунки, бундан 51 йил муқаддам мана шу инсонлар, уларнинг урушда кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги туфайли ғалаба қозонилди. Бугун Ватан учун, мустақил ҳаётимиз ҳамда келажак авлодларимиз, уларнинг бахт-саодати учун курашда жонини фидо қилган ҳамюртларимизнинг хотирасини доимо эслашимиз, эъзозлашимиз даркор. Зеро, биз уруш даврида ва урушдан кейинги йилларда бошимиздан жуда машаққатли, оғир кунларни кечирдик. Лекин тушкунликка тушмадик. Чунки, мана шу фахрийларимиз, уларнинг амалга оширган ишлари, берган насиҳатлари ҳамиша бизларга куч бағишлаб, руҳимизни кўтариб турди.

Ислом Каримов фахрийларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бардамлик тилади.

Мустақиллик майдонида сукунат ҳукмрон. Соат 10. Фахрий қоровул саф тортган. Ҳарбий оркестрнинг тантанавор садолари янграйди. Бош майдондаги Номаълум жангчи қабрига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан, республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудофаа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Тошкент вилояти ва шаҳри ҳокимликлари, шаҳар жамоатчилиги номидан гулчамбарлар қўйилди.

Номаълум жангчи хотираси бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олинади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси янграйди. Республика Миллий гвардиясининг жангчилари Номаълум аскар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, минбар ёнидан шаҳдам қадамлар билан ўтдилар.

Сўнг Президент Ислом Каримов урушда оғир жароҳат олиб, Тошкент госпиталларида ҳаётдан кўз юмган жангчилар дафн этилган «Биродорлик қабристони» томон йўл олади. Бу ер ҳам одамлар билан гавжум бўлди. «Мотамсаро она» меъмориал ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилди.

Маросимларда республика Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Байрам куни Тошкентнинг Мустақиллик майдонида, маданият ва истироҳат боғларида, марказий хиёбонларида, дам олиш масканларида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят ва туман марказларида халқ сайллари кечгача давом этди. Уруш қатнашчилари билан учрашув ва суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг ҳолидан хабар олинди. Санъаткорлар иштирокида ранг-баранг концерт дастурлари, турли томошалар кўрсатилди, қизиқарли спорт мусобақалари ташкил этилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА махсус мухбири.



СУРАТДА: Байрам тантаналаридан лавҳа.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 11 май, шанба № 58 (21.979).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл мамлакатимизга ташрифининг учинчи куни Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган туркиялик тадбиркорлар билан учрашди.

— Ота юртимиз — Ўзбекистонда сизларнинг катта ишларни амалга ошираётганингиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётганингиз бизни мамнун этади, — деди Сулаймон Демирэл учрашувда. — Ўзбекистон бундан кейин ҳам Туркиянинг энг асосий ҳамкорларидан бири бўлиб қолади. Сизларнинг фаолиятингиз ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада равнақ топтиришда муҳим омил бўлаётир.

Учрашувда Ўзбекистоннинг улкан иқтисодий имкониятлари, барқарорлиги ва муҳим жўғрофий маконда жойлашгани, қолаверса, жадал амалга оширилаётган ислоҳотлар туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлиги учун яна ҳам кенг уфқлар очаётганлиги қайд этилди.

Турк ишбилармонлари ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, жумладан, транспорт, коммуникация ва молия соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан талай таклифлар айтдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси С. Сафоев, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Шу куни Дўрмондаги қароргоҳда Туркия давлати раҳбари Сулаймон Демирэлни расмий кузатиш маросими бўлди.

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ва Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки Давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундай қилиб, ташрифнинг расмий қисми якунланди. Мазкур ташриф Ўзбекистон—Туркия муносабатларида муҳим аҳамият касб этганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Музокаралар ва учрашувлар ҳар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янги, юқори поғонага кўтариш борасида ғоят сермаҳсул ва фойдали бўлди. Имзоланган ҳужжатлар эса қон-қардош халқларимиз дўстлиги, давлатларимизнинг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Тушдан сўнг Президентлар Сулаймон Демирэл ва Ислом Каримов рафиқалари ҳамроҳлигида Самарқандга ташриф буюрдилар. Кўҳна ва бой тарихга эга Самарқанд зиёрати Мирзо Улуғбек расадхонаси ва унинг мемориал музейи билан танишишдан бошланди. Сулаймон Демирэл Шарқнинг буюк алломаси хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Айни пайтда эса Туркия ҳукумати делегацияси аъзолари шаҳардаги Сиёб деҳқон бозорида саховатли заминимиз неъматларини кўздан кечиришди. Бибихоним мадрасасида бўлишди.

Олиймақом меҳмонлар Челак туманидаги Исмоил ал Бухорий масжидини зиёрат этишди. Туркиялик қардошларимиз масжиддаги таъмирлаш ишлари ҳамда унинг ёнида улуғ муҳаддис меросини тарғиб этувчи улкан маърифий муассаса қурилиши бошланганини кўриб беҳад қувондилар. Туркия давлати раҳбари масжидни таъмирлашдек хайрли ишга ҳисса қўшиш учун ҳадя берди. Соҳибқирон Амир Темур мақбараси зиёрати ва буюк бобокалонимиз юбилейи муносабати билан бу ерда қилинаётган таъмирлаш ишлари меҳмонларда алоҳида таассурот қолдирди. Регистон майдонида эса Президент Сулаймон Демирэл ва Президент Ислом Каримовга уруш фахрийлари ҳамда Ғалаба кунини нишонлаётган шаҳар жамоатчилиги вакиллари пешвоз чиқдилар. Президентлар уларни Ғалаба байрами билан табриклашди. Шу куни Туркия давлати раҳбари Президентимиз ҳамроҳлигида Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Оқшом Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэл ўз ватанига жўнаб кетди. Президент Сулаймон Демирэл ва унинг рафиқасини Президент Ислом Каримов рафиқаси билан кузатиб қолди.

(ЎзА).

СУРАТДА: Самарқанд билан танишув.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

САМИМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан Сиз жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллаш ҳамда Сизга мустаҳкам соғлик-саломатлик ва бахт-саодат, халқингизга равнақ ва фаровонлик тилашдан мамнунман.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Генерал Али Абдулла СОЛИҲ,
Яман Республикаси Президенти.

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби олийлари,

Ийд ал-Адҳа байрами муносабати билан шахсан Сизга бахт-саодат ва сиҳат-саломатлик, шунингдек, халқларимизга тараққиёт ва равнақ тилашдан ниҳоятда мамнунман.

Қодир Аллоҳ барчамизга тинчлик ва фаровонлик ато этаверсин.

Камоли эҳтиром ила,

Лиамин ЗЕРУАЛ,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти.

СУВ ТОШҚИНИ

• Миссури дарёси шарқий қирғоғидан Огайо водийсигача бўлган ҳудудда беш кишининг ўлимига сабаб бўлган сув тошқини яна босиб келаётир. АҚШда 72 кун орасида ёққан 8 дюйм (200 мм)лик ёмғир остида қолган Миссури штатида бундан ҳам ошиқроқ ёғингарчилик бўлди. Сув тошқини ҳақидаги огоҳлантиришлар Канзас-Ситидан Сент-Луисгача ҳамда бутун Кентукки штати бўйлаб тарқатилди. Қизил Хоч жамияти Сент-Луисдан жанубдаги Жефферсон Каунтида сув тошқини хавфини камайтириш учун 300 кишини юборганини маълум қилди. Пайк Каунти шаҳри маъмурияти сув тошқини кўчалар ва мактабларни ўз домига олгани муносабати билан фавқулодда ҳолат жорий этди.

ҚАЙИҚЧИЛАР ТЎПОЛОНИ

• Вьетнамлик қайиқчилар Гонгконгда оммавий тўполон уюштирдилар. 200 нафардан кўпроқ вьетнамлик қайиқчилар Гонгконгдаги ноқонуний келгиндилар лагерида биноларни ёқиб юбордилар ва бир қанча қўриқчиларни гаровга олдилар. Улар лагерь ичида қолган маҳбуслар қаршилик кўрсатгани учун у ерга кўздан ёш оқизувчи газ сепдилар.

ЕР ИСЛОҲОТИ БЮДЖЕТИ

• Бразилия ҳукумати ер ислоҳоти дастури бюджетини икки баробарга кўпайтириб, ушбу йилда 800 миллион АҚШ долларига етказишни эълон қилдилар. Бразилия режалаштириш вазири Жозе Серранинг маълум қилишича, ҳукумат аввал 1996 йил учун ажратган 400 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағни яна ошириш фармонини чиқаради.

ҚУРОЛ СОТИШ ЭМБАРГОСИ

• АҚШ Давлат котиби муовини Робин Рейфел БМТнинг Афғонистондаги ҳар қандай гуруҳларга қурол сотишга эмбарго эълон қилиш эҳтимолини 17 йил давомида тўхтамаётган урушга чек қўйиш имконияти, деб баҳолади. У Конгресда: «Анча мустаҳкам бирлик вужудга келаётганга ўхшайди. Ҳозир ушбу таклиф Покистонда, қўшни Марказий Осиё давлатларида ва қисман Москвада қўллаб-қувватланмоқда», — деб айтди.

ЎЗ ЭРИНИ ЎЛДИРГАН АЁЛ

• Канадада таниқли амалдор аёллардан бири ўз эрини олти марта ўқ узиш билан 1995 йил январида ўлдирган эди. Ушбу аёлнинг оғир кечган ички ликбозлиги оқибати ва турмуш ўртоғининг таҳқирий ҳақорати ҳақидаги гувоҳликларни кўриб чиққан суд уни қасддан одам ўлдиришда айблаган эди. Тиббий экспертизада аёлнинг руҳий ва ақлий ҳолати таҳлил этилгач, текширувчилар ҳайъати унинг озод этилиши ёки жазога тортилиши масаласини ҳал қиладилар.

ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНИШГА ҚАРШИ

• Венесуэла Президенти Рафаэль Колдиранинг ҳукумати уни порахўрликда айблашларига қарши жавоб берди ва давлат ташкилотлари шунчалик порахўр ва фойдасизки, уларни тарқатиб юборса ҳам бўлади, деган айбномаларни рад этди. «Юмалоқ хат шаклида берилаётган айбномаларни фуқаролар жиддий қабул қилишлари мумкин эмас», — деди давлат Коррупцияга қарши кураш қўмитаси раиси Аделсо Гонсалес мухбирларга.

Шарҳловчи минбари

ЎЗ ЮЗИМИЗ, ЎЗ СЎЗИМИЗ

Бу дунёда бир оддий ҳақиқат бор. У ҳам бўлса, истаймизми-йўқми, ҳар ким ҳар қандай воқеа-ҳодисотга ўз мезони билан муносабат билдиради. Шу маънода жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топаётган мустақил Ўзбекистоннинг бугуни ва эртасини телевидение ҳамда радиосиз тасаввур қила олмаймиз.

Энди савол туғилади: Хўш, бугунги телевидение ва радио фаолияти сизу бизнинг талабимизга жавоб бера оладими? Очиғи, «ҳа»ям деёлмаймиз, «йўқ» ҳам. Нега?

Чунки бугунги томошабин ёки радиотингловчи кечаги кунда яшаётгани йўқ. У энди бутунлай бошқа бир замонда, тўғрироғи, ҳар қандай ҳукмрон мафкурадан ҳоли, озод ва ҳур, демократик жамият қурилаётган мамлакатнинг фуқаросидир. У энди катта дунёга ўз кўзи, ўз нуқтаи назари билан боқаяпти. Унинг ҳар куни, ҳар лаҳзада бутун дунё янгиликларини кўргиси, эшитгиси келади. Унинг талаблари ана шундай қатъий ва масъулиятли.

Куни кеча мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиётида телевидение ва радионинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди. Бундай хайрли қадамлар жаҳондаги энг тараққий этган давлатлар тажрибасида бор. Аввало демократиянинг, қолаверса, конституциявий тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири ҳам телерадиоэшиттиришларини янада юксак поғонага кўтаришга боғлиқдир.

Сир эмас, Президентимиз бир неча бор телерадиоэшиттиришлар фаолияти қониқарсиз аҳволда эканлигини қуйиниб таъкидлаган эди. Телевидение ҳақида айтилган гап-сўзлардан сўнг бу соҳада муайян ўзгаришлар бўлди. Мазкур Фармондан келиб чиқадиган бўлсак, энди жиддий талаб қўйилди: «ахборотларнинг мафкурадан мутлақо ҳоли бўлишини назарда тутган ҳолда, аҳоли ҳамда жамиятнинг холисона, ҳаққоний ва хилма-хил ахборотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва қониқтириш» лозимлиги белгиланди. Энди мулоҳаза туғилади. Шу вақтгача Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компанияси жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шу асосда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлашга кам эътибор берганлиги икки ўртада узилиш пайдо қилганини айтиш керак. Яна такрорлаймиз, бугунги томошабин ва тингловчининг замонга бўлган муносабат доираси янада каттароқ ва анча салмоқли. Унга холис ва ҳаққоний фикр керак. Ёлғонни, қуруқ ахборотни, «ура-ура»ни кутармайди.

Фармонда ойнадек равшан қилиб: **«республика ичкарисида ва унинг ташқарисида телерадиоэшиттиришларни юксак даражадаги одоб, аниқлик ва ҳаққоният мезонлари асосида ташкил қилиш ҳамда ахборотларни тарқатиш. Шафқатсизликни тарғиб қиладиган, инсон қадр-қиймати тахқирлайдиган ёки одамларни уларнинг дини, миллий ва маданий белгиларига қараб ҳақоратлаш сифатида талқин этилиши мумкин бўлган материаллардан фойдаланишга йўл қўймаслик»** кераклиги алоҳида таъкидланган. Бир оддий телетомошабин ёки радиотингловчи сифатида айтадиган бўлсак, шу сўзлар замирида бу муҳим тармоқда йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларнинг аниқ ва муфассал ечими ётибди.

Тўғриси, ҳар куни, ҳеч бўлмаса, умримизнинг икки-уч соатини ана шу оҳанрабога бағишлаймиз. Бирини кўрмасак, бирини эшитмасак, ўзимизни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қиламиз. Гоҳо кўнглимиздан «қачон бизнинг телерадиомиз ҳам бошқа мамлакатларникидек, қизиқарли ва ранг-баранг бўлар экан-а» деган мулоҳазалар ўтади. Ана шунда... Юқоридаги алоҳида таъкид ва таърифга лойиқ сўзларнинг сирларини англагандек бўламиз. Чунки шарқликларнинг, қолаверса, ўзбекистонлик телерадио мухлисларининг мезонлари бошқаларникидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам биз энди телевидениеда халқимизнинг ўз миллий қиёфасини кўришимиз, радиомизда эса ўзимизнинг ҳақиқий, асл ўзбекона сўзимизни эшитишимиз керак. Бунга албатта осонликча эришиб бўлмайди. Тинимсиз ижодий изланиш зарур. Ўйлайимизки, худди ана шу талаблар асосида Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг ҳудудий (минтақавий) бўлимлари фаолиятида ҳам бутунлай янгича муносабат шаклланади.

Яна бир қувончли томони, Телерадиокомпания учун жуда катта имконият яратилди. Энди ҳамма гап ижодий ёндашувга боғлиқ. Сабаби, бу икки соҳада ҳам кадрлар масаласи жуда жиддий роль ўйнайди. Айниқса, Телерадиокомпаниянинг хўжалик, реклама ва бошқа фаолият турларидан тушадиган фойдадан олинадиган солиқдан 2000 йилгача озод этилиши ғоят катта ғамхўрликдир. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ҳамкасбларимизга кўрсатилган бундай рағбат ҳозирги бозор муносабатларига ўтиш шароитида матбуот нашрларига ҳам жорий этилса, чакки бўлмасди.

Бугун эса ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагида катта умид ва ишонч яшаётир. Халқимиз ҳар куни дунёда рўй бераётган энг муҳим оламшумул воқеадан тортиб, миттигина мўъжизагача билмоқни истайди. Ана шу орзу-ниятларнинг тезроқ амалга ошишида, шунингдек, мамлакатимиз, телевидениеси ва радиосининг жаҳонга чиқишини таъминлашда бу Фармоннинг аҳамияти ғоят каттадир.

Норқобил ЖАЛИЛ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ҚОМУСИМИЗ ШАРҲИ

Республикамиз Конституцияси ҳақида жуда кўп ёзилди. Аммо бу ҳужжатни қабул қилиш кундан қанча узоқлашар эканмиз, тинчлик ва бунёдкорликка, демократияга таг-замин бўлган конституцион қоидаларнинг улуғворлиги янада яққол сезилмоқда. Бинобарин, «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ» китоби Асосий қонунимизни тушунтиришга, бу муҳим ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳар бир сатрини чуқур англаб етишга кўмаклашади.

Китобнинг кириш қисмида Конституциянинг дастлабки варианти бўш тайёрлангани, унда қайтариқлар, ноаниқ жумлалар бўлганлиги таъкидланади. Конституция комиссияси ишига раҳбарлик қилган Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг кўрсатмалари, бевосита саъй-ҳаракати туфайлигина ҳужжатнинг мукаммал лойиҳаси яратилди ва умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди. Умумхалқ муҳокамасида бир талай ўзгартиришлар киритилганидан сўнг ҳам Конституция лойиҳаси матбуотда такрор эълон қилинди ва қабул қилиниши олдидан ишчи гуруҳ томонидан қайта-қайта кўздан кечирилди. Натижада шарҳда таъкидланганидек, Конституциямиз давлатимизнинг ўзига хос қиёфасини белгилади. Халқ иродаси, унинг ижтимоий онги ҳамда маданият даражасини акс эттирди. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни энг обрўли мамлакатлар ва нуфузли ташкилотлар, хусусан Буюк Британия, Германия, АҚШ, Франция, БМТ, Европа хавфсизлиги ва ҳамкорлик кенгаши мутахассисларининг экспертизасидан ўтгани ҳам бежиз эмас. Уларнинг ҳеч бири, ҳатто бизга унча хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам Асосий қонунимизнинг демократик рухда эканлигини инкор этолмадилар.

Шарҳ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини очиб, бу ўта муҳим ҳужжатга маънавий, сиёсий ва ҳуқуқий баҳо ҳам берди. Маълумки, Конституция мамлакатнинг асосий ва муҳим қонунидир. Шу билан бирга у сиёсий ҳужжат ҳам саналади. Бу унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави преамбуласини эслатувчи муқаддимасида ҳам кўзга яққол ташланади. Шарҳда муқаддиманинг деярли ҳар бир сатри мазмуни ифода этилиб, унинг халқаро ҳуқуқ билан узвийлиги таъкидланган.

Шарҳнинг асосий хусусияти шундаки, Конституция ҳар бир моддасининг баёнига мустақиллик ғояси, инсон ҳуқуқлари соҳасида жаҳон ҳамжамияти эришган ютуқлар, демократик тамойиллар сингдирилган. Конституциямизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини жинси, миллати, ирқи, ёши ва эътиқодидан қатъи назар у ёки бу даражада камситувчи биронта модда йўқлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Демократия — у Конституция ва қонунлар доирасидаги эркинлик. Шарҳ муаллифлари ана шу ҳақиқатни барча англаб етиши, бинобарин, у бўлажак ҳуқуқий давлатнинг асоси эканини тушунтириш учун интиладилар.

Шарҳда конституцион пирамиданинг энг чўққисига инсон, фуқаро ва унинг қонуний манфаатлари қўйилгани баён этилган. Бундай ёндашув «Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналади ва улар давлат томонидан кафолатли ҳимоя қилинади» деган ақидага тўла мос келади.

Янги китоблар

Давлат ва унинг органлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги шарҳда ифодали баён этилган. Давлат биринчи навбатда фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқлари, эркинлигини таъминлайди, ҳар бир шахс ўзининг ҳуқуқ, эркинлигини суд орқали ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Китобда айбсизлик презумпциясига жуда аниқ шарҳ берилгани диққатга сазовор. Бунда, албатта, муаллифлар жамоасида давлат ва ҳуқуқ назарияси, конституцион ва маъмурий ҳуқуқ бўйича мутахассислар билан бир қаторда «жиноят қилишда айбланган ҳар бир одам унинг айби қонунга биноан исботлаб берилмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир», деган ақидани тадқиқ этувчи ҳуқуқшунос-олимлар ҳам борлиги самарасидир. Афсуски, ана шу ақидага риоя этмаслик қандай оқибатларга олиб боришини ҳамма ҳам билавермайди. Бинобарин, шарҳда диққат-эътибор ана шу масалага қаратилган.

Шарҳда чиқарилган асосий хулосалардан бири шуки, Конституцион тузумга қарши қилинган ҳар қандай тажовуз ғайритабиий ва Конституцияга зиддир.

Шиддат билан ривожланаётган воқелик ўзини демократар деб ҳисобловчи кучларнинг ҳар доим ҳам амалий таклифлар билан чиқавермасликларини кўрсатмоқда. Масалан, муҳолифат ичида ҳар қандай усул билан бўлса-да, қонуний ҳокимият обрўсини тўкиш ва муҳолифатнинг ўзи учун йўл очишга интилиш очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган ҳоллар кўп бўлди. Ўз юрти аҳолисининг хайрихоҳлигига эришолмаган муҳолифат кўп ҳолларда нопок усуллардан фойдаланишга, республикадан ташқаридан мадад излашга, йўлини топса, моддий ёрдам олишгача ҳаракат қилди. Ва, аксинча, Ўзбекистондаги барқарорлик ҳамда фаровонликни хуш кўрмаган кучлар муҳолифат деб аталувчилар сиймосида ўзларига таянч топдилар. Ташқи кучларга суянган ҳолда муҳолифлик курашини олиб бориш қўпорувчилик фаолиятидан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат тизимлари ва муҳолифат оқилона фаолият юритиши учун ишончли ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаб берди. Конституциянинг, демократиянинг куч-қудрати шунда ўз ифодасини топдики, у эркин фикрловчи, муҳолифат фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий негиз вужудга келтиради, унинг манфаатларини ҳимоя қилади, бироқ шундай қатъий шарт биланки, муҳолифат Конституция ва қонунларнинг талабларига оғишмай риоя этмоғи лозим.

Шунингдек, китобда Конституциямиз республиканинг миллий хусусиятларини кенг акс эттиргани, хусусан, ўзбек тили давлат тили сифатида мустаҳкамлангани, ҳокимлик ва бошқарув органлари тузилмаларида ҳам, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг номланишида ҳам ўз ифодасини топгани кенг шарҳлаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ ўзининг лўнда, ифодали, жумлаларнинг аниқлиги билан ажралиб туради ва ҳар қандай китобхонга манзур бўлади. Пировардида биз бундай шарҳ рус тилида, сўнгра жаҳоннинг бошқа тилларида ҳам нашр этилишини истардик.

Гулом АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.
Борис МИРЕНСКИЙ,
юридик фанлари доктори.

Файзулла ХЎЖАЕВ таваллудининг 100 йиллигига

ОДДИЙ, КАМТАР ИНСОН ЭДИ

Шундай инсонлар борки, уларнинг тақдирида ўтмиш бутун бўйбасти ва аччиқ ҳақиқати билан намоён бўлади. Биз бугун хотирлаётган инсон истибдод қурбони, юрт ва миллат фидойиси Файзулла ХЎЖАЕВ ана шундай мураккаб тақдир эгаси.

Хотира — тарих ва бугунги кун ўртасидаги кўзга кўринмас сирли кўприк. Зеро, у одам боласининг энг нодир ва муқаддас бойлигидир.

Тошкент вилояти Қибрай тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, иқтисод фанлари номзоди, республикада хизмат кўрсатган агроном Жўра ХОНАЗАРОВ Файзулла Хўжаев билан дийдорлашган, мулоқотда бўлган табаррук инсон. Шунинг учун ҳам биз 80 ёшли отахонга мурожаат қилиб, у кишидан ўз хотираларини гапириб беришни илтимос қилдик.

— Мен Файзулла Хўжаевни 30-йилларнинг бошидан биламан. У кишининг Тошкент вилоятига қарашли «Бўзялангоч» мавзесида дала-ҳовлиси бўларди. Биз ўша ерда қўшни турардик. У пайтда раҳбарлар ҳам кундузи, ҳам кечаси ишлашарди. Кун билан туннинг орасида озгина танаффус қилиб олишарди, холос. Ана шундай пайтда Файзулла Хўжаев боғига бир келиб қоларди. Ўша боғ ёнида катта майдонча бор эди. Биз ўша ерда футбол, ошиқ ўйнардик. Агар у киши келаётган бўлса дарров қочиб кетардик. Бир куни дастёрларидан бири келиб бизни базўр кундириб, у кишининг ёнига олиб борди. Жуда юмшоқ, гаплашадиган одам экан. Ҳаммамизга «Буни Бухорода обаки дейишади» деб, қанақадир жуда мазали ширинлик тарқатди. Шу-шу у киши келди, дегунча — ўзимиз ёнларига чақирмасалар ҳам борадиган бўлиб қолдик. Эсимда бор, баъзида «опаларингга, сингилларингга берларинг» деб сақич ҳам бериб қўярди. Бир куни бизни яна чақиртириб «манам сизлар билан ошиқ ўйнайман», деб қолдилар. Баъзилар ошиқни қимор дейишади. Йўқ, ошиқ қимор эмас, фақат ютган одамга озгина мукофот берилиб қўйилади. Ҳозир унақа мукофотлар мусобақаларда қонунлаштириб қўйилган, футбол, шахмат — бошқа-бошқа ўйинларда ютганлар минг-минглаб пул оладиган бўп кетган!

У киши ўрта бўйли бўлиб, ҳақиқий бухороча шевада гапирарди. Ёқимтой, чиройли одам эди раҳматлик. У кишига бўлган ҳавасим туфайли эҳтимол мен ҳам ҳаётда ўз ўрнимни топиб олгандирман.

Ўша вақтда колхозлар тузилаётганди, ширкатлар ҳам бўларди. Колхоз раиси Абдукарим ака, ширкат раиси Нуриддинхўжа ака деган одамлар эди. Файзулла Хўжаев кўпинча мендан ўша кишиларни чақиртириб, икки соат, уч соатлаб гаплашиб ўтирарди.

Қишлоғимизда узум ниҳоятда кўп эди. Сотилмай чириб кетарди. Чарчагунча шинни қилишарди. Узум барибир тугамасди. Ўша йили бирдан узум пишган маҳалда Москвадан қишлоғимизга 200 га яқин ўрис қизлар кеб қолишди. Улар ўттиз-ўттиз нафарга бўлиниб, узумни саралаб яшикларга жойлайди. Тайёр турган аравалардаги яшиклар вагонларга ортиларди. Узумнинг бозори чаққон бўлиб кетди. Деҳқонлар хурсанд. Кўп ўтмай қишлоғимизда кичкина мактаб пайдо бўлди, битта ўрис бойнинг ҳовлисида болалар ўқий бошлашди. Ўшанда консерва завод десам лоф бўлади, лекин шунга ўхшаган цех пайдо бўлди қишлоғимизда. Одамлар мева обкелиб топширади, цехда сиқиб сувини чиқаришади, қуритишади. Бу ҳам халққа катта ёрдам бўлди. Буларнинг ҳаммаси Файзулла Хўжаевнинг хизмати эди. Кейин у кишининг таклифи билан қишлоғимиздан уч йигит ҳарбий мактабда ўқиб келди.

Шундай қилиб десангиз, ўзим ҳам бориб-бориб, ёшлар ташкилоти ходими бўлиб қолдим. 16-йилда яъни отамни мардикорликка олиш тўғрисида чақирув қоғози келган кунда туғилган эканман. Мен туғилганда уйимизда хурсандчилик ҳам бўлмаган. Ҳамма ташвишда. Отамни қийқиратиб Сибирга обкетишаётган бўлган-да! Менга исм қўйиш ҳам бировнинг эсига келмаган. Шунда Собира опа деган қариндошимиз кўчада болаларнинг «қий-чув» қилиб юришганини кўриб «шуларга жўрабоши бўлсин!» деб отимни Жўра қўйган экан. Ўша пайтда шунақа одам бор эди: Ким 1917 йилда туғилган бўлса инқилоб фарзанди дейишарди. Мениям бир куни чақириб олиб, «Сен 16-йилда туғилган экансан, ке, сенам 17-йилда туғилган — «инқилоб фарзанди» бўлиб қўя қол дейишди. Мен ҳам дарров «хўп» дебман. Шу муносабат билан мени Москвага «Совға» беришга чақиртиришди. Борай десам, поездга ҳам, самолётга ҳам билет йўқ. Ўзбекистон ёшларининг саркотиби, қўқонлик Исроил Ортиқов деган яхши йигит эди. Ўша одам: «Файзулла Хўжаев Москвага кетяпти, махсус вагони бор. Ўша киши билан бирга кетасан!» — деб қолди. Хуллас, ўшанда Москвагача поездда ўн кунлар бирга кетдик. У кишида тиним йўқ эди. Кечаси билан ишлайди, ёзади, ўқийди. Нималарнидир айтиб, котибасига машинкада ёздиради. Ўзлари ҳамиша ҳарбий кийимда юрарди. Хуллас, йўлда икки марта ёнларига чақириб: «Сен комсомол экансан. Қани менга ёшларнинг аҳволи тўғрисида гапириб берчи! Қанақа муаммолар бор?» деб сўраб қолди. Шунда мен иккита масалани, яъни ёш болаларнинг етим қолаётганини, қишлоғимиздан 37 деҳқон қулоқ қилинганини ҳамда бир қатор бошқа муаммоларни хафа бўлиб айтдим. Бу кимларнинг айби билан бўлаётганини аниқ-аниқ айтиб бердим. У киши диққат билан эшитиб туриб тутоқиб кетди. Шу ишлардан хафаман десам, бу Файзулла Хўжаевга қаттиқ таъсир қилди. «Сен теша тегмаган, ўйланмаган масалаларни эсимга солдинг. Раҳмат ўғлим» деб елкамга уриб қўйдилар.

Қисқаси, мен Москвадан мукофотлар олиб, хурсанд бўлиб қайтиб келдим. Кўп ўтмай қишлоғимизга республикага танилган фаоллар келиб ҳалиги масала бўйича шуғуллана бошлашди. Сездимки, Файзулла Хўжаев ўшанда гапларимга бефарқ қарамаган экан. Шундан кейин, кўп ўтмай ўзлари қамалиб кетди. Эшитиб жуда хафа бўлдим. Лекин қўлимдан нима ҳам келарди. Дардимни ичимга ютишдан бошқасига ярамадим.

Ҳамма бало шунда эдики, биз мустақил эмасдик. Шу боисдан, кўплаб ватандошларимизни, юртбошиларимизни ҳам четдан келган балоқазолардан сақлаб қололмасдик...

Бугун мен барчамизни, хусусан, ёшларимизни айни мана шу буюк илоҳий неъмат — ҳурлигимизни, рўшнолигимизни, миллий истиқлолимизни кўз қорачиғидай асрашга даъват этаман. Зеро, ҳаётимизга, истиқболимизга дахлдор ҳамма нарсанинг калити фақат шундадир.

«Ўзбекистон овози» мухбири Замира ЭГАМБЕРДИЕВА ёзиб олди.

ЧАНҚОВБОСДИ

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

Иқтисодиёт олами

ИТАЛИЯ УРУҒИГА ЎЗБЕКЧА ҚАРОВ

Наманган вилоятида мутахассисларнинг хорижлик шериклар билан пиллачилик соҳасидаги ҳамкорлиги одамларни ипак қурти парваришига яна ҳам қизиқтириб қўйди. Гап шундаки, ўтган йили вилоятда синовдан ўтган Италия ва Японияда келтирилган қурт уруғлари амалда фойдаланиб келинган хонаки навлардан анча афзал эканлиги исботланди.

Янгиқўрғон туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида синаб кўрилган Италия нави уруғининг ҳар қутисидан ўтган йили 70 килограммдан «кумуш тола» олинди. Одатдаги «Андижон-1» навининг ҳар қутиси ҳисобига ҳосилдорлик 57, «Андижон-2»ники 53, энг зўр ҳисобланиб, яқин 35 йилдан бери ишлатилиб келинаётган «Тетрагибрид-3» навиники 58 килограммдан ошмасди. Хом ашёнинг ипаклилигида ҳам катта тафовут кўзга ташланади. Яъни хонакиларнинг 3,5-3,8 килосидан 1 килограмм ипак олинган. Италия уруғининг 2,5—2,8 килограммидан шунча харидоргир хом ашё ишланди.

Наманганлик пиллакорлар жаҳон андозалари даражасига чиқиш йўлидаги изланишларни бу йил астойдил давом эттирмоқдалар. Италиянинг «Гуртен» фирмаси билан ҳамкорликда ҳозир пиллакор хонадонларда жами хом ашёнинг ярмиси —21 минг қути Италия уруғи ўзбекча қаров билан парваришланмоқда. Фирманинг мутахассис вакиллари профессор Александр Жорж ва доктор Ренато Бенедетти келтирилган навларининг янгича шароитдаги парваришини кузатиб юришибди.

— Халқингиз пиллачиликка меҳр билан қараркан, — дейди шу соҳа бўйича профессор А. Жорж. — Юртингизда яхшигина уруғ заводлари ҳам бор экан. Агар бу ерларда янги навлар, гибридлар, ярим гибридлар устида ишланса, ипак қурти парваришида нав агротехникасига эътибор билан қаралса, пиллангиз дунёнинг олди хом ашёси бўлади! Наманган тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, пилла хом ашёсининг сифати ва энг муҳими — харидоргирлиги асосан янги навлар устида кўпроқ ишлаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёт билан ҳамнафас

ЎРИНЛИ ТАНҚИД—ИШГА ФОЙДА

«Андижоннефть» бирлашмасида жамоатчилик эътиборини қозонган кишилар кўп. Аммо, бу ерда партия аъзолари сафи ўсмаяпти. Бошланғич партия ташкилоти фаолияти кенг қулоч ёймаяпти. Ўтган йилнинг охирида ҳисобот-сайлов йиғилишида сўзга чиққанлар ана шундай танқидий фикр билдиргандилар. Партия қуйи бўғини фаолларининг ўринли танқидидан тегишли хулоса чиқаришди. Амалий ишларда жонланиш юз бера бошлади.

— Қатъийлик билан иш тутдик, — дейди «Андижоннефть» бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг котиби К. Акбарсадаев. — УзХДП Андижон шаҳар кенгаши фаоллари ҳам ёрдамини аямадилар. Натижада УзХДПга аъзо бўлиш ниятини билдираётганлар кўпаймоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари бўлган 25 нафар ишчи-хизматчига партиямизнинг аъзолик билетлари топширилди.

Хуллас, ўринли танқид умум ишга фойда берди.

С. АҲМАДИЛЛОЕВ.

ДЕПУТАТ ҲИСОБ БЕРДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ижроия бюросида Пискент туман партия кенгашининг аҳоли истиқомат жойларида партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган ишлари хусусида ҳисобот эшитилди. Бюро йиғилишида, шунингдек, вилоят кенгаши депутати, Қўйлиқ иссиқхона хўжалиги раҳбари Меҳриддин Аҳмедовнинг депутатлик фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СОҲИБҚИРОННИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИДАГИ ҚАДАМЖОЛАРИ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган танловга

Яқиндаги суҳбатлардан бирида кимдир «Амир Темур Фарғонада бўлганми?» деб қолди. Бир нарсани сўраш, албатта, айб эмас. Ҳазрат Навоий айтганларидек, билмаганни сўраб ўрганган олим. Гап бошқа ёқда. Шўролар даврида Темур ҳақида чоп этилган адабиётларнинг деярли барчасида унинг Фарғонада бўлганлиги ҳақида гапирилмаган деса бўлади. Буюк саркарданинг ҳаёт йўли муфассал ёритилган «Равзат-ус-сафо», «Мужмали фосихи», «Темурнома», Ҳабиб-ус-суяр» каби тарихий китоблар, Темур даврида яшаган олимлар — Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомийларнинг «Зафарнома»лари, Ҳофиз Абру, Ибн Арабшоҳ ва бошқа ўнлаб мусулмон тарихчиларнинг асарлари номини эшитардигу, улар билан танишиш имкониятидан маҳрум эдик. Истиқлол туфайли Соҳибқиронни яхшироқ танияпмиз. Унинг асл қиёфаси, буюк ишлари, орзу-умидлари билан ошно бўляпмиз.

Амир Темур Фарғонада бир эмас, бир неча марта бўлган. Ғўзал водийнинг сержило, оромбахш табиати, кўнгил очар сайлгоҳлари қўйнида дам олган.

1370 йилда Самарқандда бўлган қурултойда Темурбек бошлиқ давлат ташкил топгани расман эълон қилинди. Орадан бир йил ўтмасданоқ Амир Темур мўғул хони Қамариддинга қарши қўшин тортди. Асли мўғулларнинг дуглат қавмидан бўлган бу одам 1369 йили Илёсхўжани тахтдан тушириб, Қашқар, Иссиққўл атрофлари, Еттисув воҳасини, деярли бутун Мўғулистонни ўзига қарам қилиб олди. Шуни айтиш керакки, бу Мўғулистон тушунчасини ҳозирги Мўғулистон давлатига нисбат бериб бўлмайди. XIII-XVII асрларда ҳозирги Қозоғистоннинг шимолий қисми Мўғулистон деб аталарди.

Темурнинг Қамариддин устига юришининг сабаби 1371 йили бу амир бир гуруҳ беклар ёрдамида Тошкентни босиб олган эди. Икки-уч йиллик урушдан сўнг Амир Темур Тошкент ва атроф водийларини Қамариддин зулмидан халос қилиб, бу ерда ўз хонликларини тиклади. 1375 йили Қамариддиннинг асосий кучлари тор-мор келтирилди. Бироқ, унинг ўзи тоғларга қочиб, кўздан пинҳон бўлди. Шу юришда Ҳазрат Соҳибқирон Амир Қамариддиннинг сулув жияни Дилшод оғани ўзига никоҳлаб олди.

1375 йилнинг июнь ойида мўғуллар устидан ғалаба қозонган Амир Темур Мўғулистондан қайтиш пайти Фарғона водийси ва Иссиққўл ўртасидаги Ясси довонини ошиб ўтиб, Ўзганга келиб тушди. Бу ерда Соҳибқиронни опаси Қутлуғ Султон оға бошлиқ қариндош-уруғ ва мулозимлар кутиб олишади. Маросимдан сўнг Амир Темур ҳазрат Сайид Бурҳониддин Қиличнинг мозорини зиёрат қилади. Водийнинг хушҳавоси, оромижон масканлари Соҳибқироннинг кўнглига ёқиб, олти ой шу ерда қолиб кетади. Қува, Марғилон, Ўш шаҳарларида бўлиб, шу атрофларни томоша қилади. Хўжанд ҳокими Одилшоҳ Темурбекни Марғилонда кутиб олганлигини улуғ олим, аллома Бўрибой Аҳмедов ҳам таъкидлаган. Амир Темур Марғилондан Хўжандга бориб, у ерда ҳам уч кун туради. Сўнг Самарқанд сари йўл олади. 1376 йил қишида Одилшоҳ Жалойир Шайх Муҳаммад Сулдус ва Сори Буго Қипчоқ Амир Темур даргоҳидан қочиб, Қамариддинга қўшилишади. Лашкар билан келиб қўшилган бу беклар ёрдамида кучайган Қамариддин шу йили Андижонни босиб олади. Ўша пайтда Андижонда ҳоким бўлиб турган Амир Темурнинг ўғли Умаршайх Мирзо кўп лашкарга бас келолмай ҳарами ва мулозимлари билан Ўш тоғларидаги дараларга чекинади. Ҳазрат Соҳибқирон яна қўшин тортиб Фарғонага келади. Унинг беҳисоб ва енгилмас лашкари Қува шаҳрида тўхтаб, шу ерда Қамариддинга зарба беришга ҳозирлик кўра бошлайди. Аммо очиқ жанг қилишга чўчиган Қамариддин яна тоғлар оша Иссиққўл орқали Мўғулистонга қочади.

Темур қўшинлари ҳам тоғ йўллари орқали мўғул лашкарини таъқиб этади. Мўғулистон чегарасидаги Отбош деган жойда ҳар икки қўшин тўқнашади. Қаттиқ жангдан сўнг Қамариддин қўшини қақшатқич зарбага учраб, унинг ўзи Мўғулистон даштлари сари қочиб кетади. Лекин мўғул қўшинлари тинчимайди. Улар яна бош кўтариб, Тошкент ва Фарғона водийси тарафларига ҳужум қилишни тўхтатмайдилар. Амир Темур яна Мўғулистон устига юриш бошлайди. Бундай қайта-қайта юришларнинг сабаби бор эди. Ўша пайтда Турон заминга хавф солиб турган иккита катта куч бўлиб, улардан бири Ғарбда турк султони Боязид, иккинчиси Шимолда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш эди. Ҳар иккаласи ҳам қудратли ҳукмдорлар бўлиб, Мовароуннаҳрга кўз олайтиришарди. Мўғул хонлари Туркистоннинг энг бой ўлкаси Фарғона водийсини бутқул ўзларига қўшиб олиш ниятида эдилар. Ҳолбуки, Фарғона жуда бой ўлка бўлиб, Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Мовароуннаҳрдаги энг бақувват, серҳосил, аҳолиси зич ҳисобланган ўлка — Самарқандда 7 та туман бўлгани ҳолда, Фарғонада 9 та туман бўлган эди. Амир Темур қўшинига Фарғона деярли 90-100 минг лашкар етказиб берган. Бундан ташқари, водийдан олинадиган бож-хирож ҳам хазинанинг катта қисмини тўлдирарди. Яна бир сабаби эса Буюк Ипак йўлининг тикланиши билан боғлиқ эди. Ғарбдан Хитойга кетган бу йўлнинг ҳам Фарғона, ҳам Или дарёси орқали ўтадиган қисмларини мўғуллар эгаллаб олган, уларни бартараф қилмагунча Буюк Ипак йўли тўлалигича Амир Темур ихтиёрида бўлмасди. Шуларни ҳисобга олиб, Амир Темур Фарғона ва Иссиққўл атрофларини хавфдан холи қилиш учун курашди. Зеро, бусиз бошқа давлатлар билан тенгма-тенг олишиш имконияти пайдо бўлмаслигини у яхши тушунганди.

1377 йили Қамариддин қўшинлари ҳозирги Иссиққўл атрофларида узил-кесил тор-мор қилинди. Амир Темур бу зафарли юришдан қайтишда яна Ўзган, Ўш, Андижон, Марғилон ва Хўжанд шаҳарларида дам олди. Бу ерлардаги ер-мулклар, суғориш тармоқлари, раъиятнинг аҳволи билан танишди. Сўнг яна пойтахт сари отланди. Ҳазрат соҳибқирон бундан кейин ҳам яна бир-икки гал Хўжанд шаҳри ва унинг атрофларида меҳмон бўлганлиги маълум. У кишининг Фарғонага меҳрлари баланд бўлганлигига тарихчилар гувоҳлик беришади.

Амир Темур Ўзганда зиёрат қилган Сайид Бурҳониддин Қилич мақбараси сақланиб қолган. Марғилонда у киши бунёд қилган иморатлар борлиги хусусида сўз юритиляпти. Бувайдадаги Пошшопирим, Хўжажалил мақбара-мажмуи XIII-XIV асрларда бунёд этилган. Бу мажмуининг ҳам Соҳибқиронга алоқаси бўлиши мумкин. Хўжанд, Қува, Ахси, Ўшда ҳам шундай жойлар бор. Айтайлик, Риштондаги Бурҳониддин Марғиноний мақбарасини Темур зиёрат қилмаган деб ким айта олади? Соҳибқироннинг бу алломага ихлоси баланд-лиги, унинг авлодларига ўз девонида катта диний мансаблар бергани маълум.

Абдуназар ХУДОЙНАЗАРОВ,
Алишер ИБОДИНОВ.

Мулоҳаза

САТТОР ПОЛВОН НИМА ДЕЙДИ?

ЁХУД ДЕҲҚОННИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН МУАММОЛАР ХУСУСИДА

Юзлари жануб офтобида қорайган бу одамнинг жайдари мулоҳазалари содда ва ҳақиқий деҳқонга хос. Бир замонлар полвонлиги билан не-не давраларни титратган инсоннинг деҳқончиликдаги тадбиркорлиги ҳам бир китобга сиғмайди десак ишонарсиз. Салкам ўттиз йилки, у далада. Пахта, ғалла экади. Икки йил бурун эса... Кутилмаганда хўжалик раиси этиб сайлашди. Давраларда соврин олган полвон, ерга меҳр қўйган деҳқон бошлиқ «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аҳли қаттиқ синовдан ўтди.

— Ўтган йилги табиий офат чироқчилик деҳқонларга катта ташвиш келтиргани рост, — дейди Саттор полвон Бойқувватов. — Мўлжалдагидан 94 тонна кам, жами 2963 тонна дон етиштирдик. Аммо давлатга 1570 тонна дон сотиб, режани бажардик. Айниқса, пахта мўл бўлди. 860 гектар ердан 2350 тонна ўрнига 2700 тонна ҳосил кўтардик. Натижада йилни 6 миллион сўм фойда билан якунладик.

Раиснинг гапини бўламиз: «фойда, даромад яхши бўлибди. Лекин деҳқоннинг куни қандай ўтяпти. Қўлига пул-мул тегаяптими?» Полвон жиддий тортиб сўз бошлайди:

—Одамларга иш ҳақи тўланмаса меҳнатнинг баракаси бўлмайди, демоқчисиз-да. Бу ҳақ. Меҳнат қилганга яраша роҳатини ҳам кўриш керак. Биз одамларга агар ёнилғи, ўғит, техникани ишлатиш қимматлашмаганда, айрим маҳсулотларнинг таннархи ошмаганда фойдамиз яна кўп бўлишини ҳисобот йиғилишида айтдик. Фарғона водийсида бир хўжалик картошка ҳосилдорлигини 230 центнерга етказиб, 20 миллион сўм даромад олибди. Биз эса ўтган йили 9,5 тонна уруғ экиб, 6,2 тонна картошка етиштирибмиз. Бу кулгули, албатта. Вилоят газетасида танқид қилишди. Аччиқ бўлсада, ҳақ гапни айтишди. Рост, картошка уруғи ёмон эди. Аммо баҳонага ҳожат йўқ. Бу йил барча экинлардан фойда олишни мўлжаллаб ишлаяпмиз. Энди иш ҳақига келсак, деҳқонларга 7 миллион 481 минг сўм иш ҳақи тарқатдик. Шундан 4 миллион 676 минг сўмини нақд пул сифатида олишди. Қолган қисмини маҳсулот билан узаяпмиз.

— Бунга одамларнинг муносабати қандай бўлаяпти? Эшитишимизча, гўё белгиланган тартиб бузилаётган эмиш...

— Йўқ, бор имкониятларни кўраяпмиз. Чунки деҳқон меҳнати ҳар қандай шароитда ҳам ўз қадрини топиши керак. Унинг қозони қайнамаса, қўли пул кўрмаса, қандай меҳнат қилади? Ҳозир одамларга берилмаган иш ҳақининг ўзидан хўжалик 3,5 миллион сўм қарз бўлиб турибди. Тўғри, 434 тонна толамиз бор. Пахта тозалаш корхонаси 2 миллион сўм, Шаҳрисабз консерва заводи 881 минг сўм пулимизни узгани йўқ. Манфаатдорлик бўлмаса ҳаммага қийин. Ернинг, мулкнинг ўз эгаси бўлсин деяяпмиз. Хўжалигимизда ерлар ижарага берилган. Одамлар далада ўз томорқаларидан кўра яхшироқ меҳнат қилишяпти. Бу йил ҳам режадан, ўзаро тузилган шартномада кўрсатилганидан ошиқ етиштирилган маҳсулотни деҳқоннинг ўзига берамиз. Ҳукуматимиз яхши қарорлар қабул қилди. Маҳсулотнинг анча қисми деҳқоннинг ўзида қоладиган, давлат ҳам ўз ҳиссасини юқори нархда харид қиладиган бўлаяпти. Иш ҳақини нақд пул билан берасан, маҳсулот бермайсан, деб талаб қўяётган кишиларнинг фикрига энди баҳо бераверинг...

Полвоннинг бу мулоҳазалари кишини ўйга толдиради. Истиқлолнинг улуғ неъмати шуки, энди ернинг, мулкнинг эгаси бор. Улар ҳам ўз навбатида чакки меҳнат қилишмаяпти. Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ёки маориф, тиббиёт, қўйингки ҳамма-ҳамма соҳаларда ўзгариш, янгиланиш ўз мевасини бераяпти. Лекин меҳнатнинг тақдирлаши, иш ҳақининг тўланиши борасида узилишлар бўлиб турибди. Чорасизлик туфайли турли йўллар изланяпти.

—Келиним ўтган йили пахтада ишлади, — дейди Яккабоғ туманидаги «Ҳақиқат» ширкатлар уюшмасида бўлганимизда етмиш икки ёшли отахон Мингбой Элмуродов. — Ишлаганига бир нима чиқмаса, ғалла беришмаса, рўзғори қандай ўтади?

Хўжалик бош иқтисодчиси, ХДП бошланғич ташкилоти котиби Панжи Мейлиевнинг айтишича, ғалла, пахта сотиш режалари бажарилган. Аммо харажат кўп. Ғалла ҳосилдорлиги паст. Бош ҳисобчи Ўрол Чориев чўт қоқиб ҳисоблаб бердиям: одамларга тўланган 5 миллион 472 минг сўм иш ҳақининг 2 миллион икки юз минг сўмга яқини маҳсулот билан узилган. Уч миллион сўмга яқин иш ҳақини узишга ҳозирча ширкатнинг қурби етмайди...

—Ҳамма гап шундаки, —дейди ихтисослашган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»нинг Яккабоғ бўлими бошлиғи Нортожи Поёнов, — хўжалик ва ширкатларнинг жорий ҳисобида маблағи жуда оз. Олдиндан аванс билан таъминлаш ҳам яхшимас. Нақд пул етишмайди. Ҳар чиқарилган 100 сўмнинг 24 сўми банкка қайтаяпти, холос. Агар хўжаликлар ўз маҳсулотини вақтида сотишса, пул тушуми кўпайса, иш ҳақини тўлашда анча силжиш бўларди...

Биз тилга олаётган рақамлар кеча дафтаримизга тушмаган. Улар орасида икки ой наридаги рақамлар ҳам бор. Лекин бир нарса аён: Ҳали бу борада ўзгаришлар сезилмаяпти.

ИЗОҲ ЎРНИДА:

Кўп йиллардан буён банк тизимида меҳнат қилиб келаётган бу кишининг мулоҳазаларида жон бор. Биргина Яккабоғда эмас, балки Қашқадарё вилоятида ҳам пул эмиссияси мавжуд. Нисбатан яхши кўрсаткич Китоб туманида экан. Пулнинг қайтиши ўртача 54 фоизни ташкил этмоқда. Бунда туман «Савдогар» банкининг хизмати сезиларли бўлаяпти. Шунга қарамай бу туманда ҳам иш ҳақини узишда ночорлик кўриниб турибди. Биргина ўтган йили етиштирилган пилланинг 10 миллион сўмга яқин ҳақи ҳанузгача пиллакорларга бориб теккани йўқ. Бу ёқда эса янги йилнинг пилласини топшириш бошланяпти...

Қайси мутахассис билан суҳбатлашманг, «пулимизни тижоратчилар Ургут, Тошкентдаги «Отчопар» бозорларида сарфлаб келишяпти, натижада нақд пул тушуми камайиб кетмоқда», деган гапни айтади. Бу фикрни инкор этиш қийин. Дарҳақиқат, юқорида ном чиқарган иккита ва шунга ўхшаш бозорлар вилоятларда тарқатилаётган пулнинг кўп қисмини «ютиб» юбораётганидан кўз юмиш қийин. Тижоратчилар олган пулига шу бозорлардан мол келтириб, яна пулга айлантиряпти. Бу маблағ яна товарга, товар-пулга айланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, суд-ҳўрлик ҳам, банкирлик ҳам, тижоратчилик ҳам маълум бир шахслар қўлида бўлиб қоляпти. Аммо вилоят ва туманларда нақд пулнинг эркин айланишини, банкларнинг тушумини кўпайтириш, шу орқали иш ҳақини ўз вақтида узишнинг иложи йўқми? Бор!

Республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 5 мартда қабул қилган «Бозорларнинг фаолиятини ва уларни бошқаришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори кенг истиқболлар очиб берди. Эндиликда бозорларнинг мустақил иш юритиши, хизмат турларини, бинобарин, тушумларни кўпайтириш, улгуржи маҳсулот харид қилишнинг кенгайтирилиши ислоҳотларнинг янги босқичидаги муҳим вазифалардан. Бу ҳақда гапирар экан, Чироқчи туман ҳокими Турсунпўлат Каримов янги бозор ташкил этиш, шу орқали бошқа вилоятлардаги тижоратчиларни ҳам жалб этиш режаси тузилаётганлигини тилга олди. Бу тадбир ҳам харидорларга қулайлик яратиши билан бирга нақд пул тушумини кўпайтиришга хизмат қилишига умид бор.

Дарҳақиқат, нега деҳқон ёки чорвадор тайёрлов ташкилоти ва корхоналар орқасидан югуриши керак? Маҳсулот олиб ҳақини тўлолмаган корхонадан нимани кутиш мумкин? Марҳамат, пахта, пилла, узум, сабзавотни олдингизми, пулини тўлаб қўйинг!

Деҳқоннинг рўзғорида тўкинлик бўлса, мамлакат обод бўлади. Халқимизнинг меҳнатсеварлиги, юртга жонфидолиги — ҳар қандай бойликдан афзал. Эртанги кун иқболи ҳам ана шу қадоқ қўлларга боғлиқ. Юқорида тилга олинган айрим муаммолар вақтида ечимини топса, бу қўллар зўриқмайди ва зориқмайди. Юрт тўкинлиги учун далаларда тер тўкаётган Саттор полвонларнинг тилаги ҳам, талаби ҳам шу!

Норқобил ЖАЛИЛ,
Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Луқма

«УЧАР» АВТОБУСЛАР

Пойтахтимиз кўчаларида қатнаётган янги-янги «ДЭУ», «Мерседес - Бенц» русумли автобусларни кўриб кўзингиз қувнайди. Улар халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Агар, акси бўлсачи... Кайфиятингиз тушиб, афсусланасиз. Буни соатлаб автобус кутиб бошдан ўтказган билади.

— Яқинда, тўғрироғи, 26 апрель куни ишдан қайтишда «Медгородок-Чкалов» йўналиши бўйича қатнайдиган 28-автобусни кута бошладим, — дейди Муҳаммаджон Умаров. — Ана келар, мана келар, деб икки соатча бекатда турдим. Охири автобусдан дарак бўлавермагач троллейбусда кетдим. Ҳайронман, кеч кириши билан автобусларни «учар» ликопчалар осмонга олиб кетадими ёки улар «қулай» маршрутларга «ғойиб» бўлишадими?

— Ҳозир эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи етарли, — дейди 8-автобус саройига қарашли 02—21 рақамли шу йўналиш бўйича қатновчи автобус ҳайдовчиси Ғулом Холматов. — Ўнта автобус мана шу йўналишга биркитилган. Тўғри, йўловчилар кўп. Лекин айрим ҳамкасбларимиз кеч кириши биланоқ қаергадир ғойиб бўлишади. Бунга ўзимиз ҳам ҳайронмиз.

Ёқилғи-мойлаш, эҳтиёт қисмлар етарли экан, нега энди 8-автобус саройи раҳбарлари ўз ишларига совуққонлик билан ёндашмоқдалар? Иш шу аҳволда давом этаверса, билмадик, қачон «учар»ларнинг таноби тортиларкин?!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Саврни кўклам қуёшидан кўра кўпроқ курраи заминнинг турли минтақаларида кечаётган сиёсий эҳтиросларга ва уруш олови кўпроқ қизитди, десак муболаға бўлмас. Ўтган апрелнинг иккинчи ўн кунлиги Исроилни Ливаннинг жанубий ерларига қилган кутилмаган ҳарбий ҳужуми билан бошланган эди.

ЭЛЧИЛАР СУКУТ САҚЛАСА...

Сиёсий иқлим

Апрелнинг йигирма еттинчи куни Ливан жанубида ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги аҳдлашув кучга кирди. Шу куниёқ қарийб ярим миллион Ливан қочоқларидан ўн мингларчаси бомба ва ракеталарнинг ажал сочувчи гулдураги даҳшатидан ташлаб қочган уй-ўйларига қайтишни бошладилар. Кўпчилик эса мутлақо бошпанасиз қолган. Юзлаб катта-кичик қишлоқлар хароба ва қултепага айланди.

Исроил нега Ливан ерларида уруш ҳаракатларини олиб борди? Маълумки, Ғарб ва Уммон орти минтақасида ҳукмрон доиралар халқаро терроризм манбаини Ислом ва «Ҳизби оллоҳ» гуруҳда кўрадилар. Бу албатта, бир ёқлама қарашдир. Исроилнинг «Ҳизби оллоҳ»га қарши ҳарбий операцияси мазкур гуруҳга энг оз, тинч аҳолига эса энг кўп миқдорда зарар келтирди. Русия матбуотининг ёзишича, ўз маконларига қайтиб, уйлари ўрнида вайронани кўрган ливанликлар: «Бошпанасиз қандоқ қиламиз!», «Лаънат бўлсин бу урушга!» деб уруш ўчоғини ёққанларни лаънатлаётган экан.

Ўн олти кун давом этган ҳарбий зиддиятда ливанликлардан 164 киши ҳалок бўлган, 350 киши яраланган. Исроилнинг ҳам вайрона бўлган жойлари бор. Улардан 50 киши яраланган. Ливан берган маълумотларга қараганда, «Ҳизби оллоҳ»дан бир киши ўлдирилган. У урушнинг сўнгги дақиқасигача Исроил ерларини «Катюша» русумидаги ракетадан ўққа тутган.

Эришилган аҳднома мантиғига кўра, томонлар «қаердан йўлга чиққан» бўлсалар, яна «ўша ерга қайтиб келдилар». Яъни, Исроил—Ливан аҳдномаси сифатидаги ушбу ҳужжат 1993 йилда қабул қилинган «жентельмен»ча аҳдлашувни ёдга солмоқда. Унда фуқаро иншоотларига қарата ўт очмаслик ҳақида келишилган бўлса, бунда фуқаролар иншоотларидан туриб ўт очмасликка ҳам келишилди.

Исроил босиб олгач, Ливан ҳудудининг чегара атрофларида «пайдо бўлган» «хавфсизлик ҳудуди» масаласи аҳдлашув доирасидан четда қолди. Чамаси, бу муаммо билан Сурия-Ливан — тинчлик музокаралари доирасида шуғуллуниш мўлжалланган. Ҳозирча юзага келган вазиятни АҚШ, Франция, Сурия, Ливан ва Исроил вакилларидан иборат комиссия кузатиши керак. Русия федерациясининг ташқи ишлар вазири Евгений Примаков Президент Борис Ельциннинг топшириғи билан урушнинг энг авж палласида Дамашқ, Байрут ва Қуддуси шарифга расмий ташриф билан борган бўлса-да, кузатувчи комиссияда Русия вакили кўзга ташланмайди.

Ливанликлар хароб бўлган ўз шаҳар ва қишлоқлари, йўл ва кўприклари, завод ва электростанцияларини саноқдан ўтказар экан, шарҳловчилар мазкур ҳарбий қарама-қаршиликни бартараф этиш ишида бевосита ва билвосита иштирок этганлар қанча сиёсий нуфуз орттирганини чамалаб кўрмоқдалар. Исроил Бош вазири Шимон Перес келишувни «ғоятда фойдали» деб ҳисобламоқда. «Би-би-си» радиоси шарҳловчиси: «Шимон Перес қатъиятини намойиш этиб, 29 май куни мамлакатда бўлиб ўтадиган сайлов олдидан ўз мавқеини янада мустаҳкамлаб олди», — деди. Урушни бартараф этиш музокараларида марказий ўринлардан бирини эгаллаган — Америка томонидан: Давлат котиби Кристофер ўзи ва Президент Клинтон ҳисобига (дарвоқе, улар ҳам бўлажак сайловлар олдида) анча «нуфуз жамғармаси» тўплаб олди. Ўқ отишни тўхтатиш битимига эришиш «қаҳрамонларидан бири Ҳафиз Асад бўлгани учун Дамашқнинг ҳам Ливанга таъсир доираси кучайса, эҳтимол.

Элчилар сукут сақлаган жойда замбараклар тилга киради, деган гап бор. Шундай бўлмаслиги учун Сурия, Ливан ва Исроил муносабатларининг бутун мажмуи зудлик билан Яқин Шарқ минтақасида барча томонлар учун манфаатли бўлган, тинчликни қарор топтирадиган музокаралар сари йўналтирилса айни муддао бўлур эди.

Салим АШУРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.



БАЛХ. Абу Наср Пасра қабри масжид олдида жойлашган.
Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Миср

ҚАДИМИЙ ТОШ ЁЗУВ

Хельван. *Мутахассислар қум остидан ноёб топилма— қадимий тошдаги битикни топдилар. Унинг ҳажми ҳатто Сфинксдан ҳам тўрт баробар каттадир.*

— Бу қадимий тош битикни асбоб-ускунамиз 130 метр қум қаъридан «топди», — деди репортёрларга олим Самир Шаҳид.

Мисрнинг қадимий бой маданиятига оид бундай тадқиқотлар мозий ўтмишдан акс-садо.

Япония

АЖАЛИ ЕТМАГАН ЭКАН

Токио. Бешинчи қават деразасидан тушиб кетган уч яшар қизалоқ тирик қолди. Икки аёл ҳовлида гурунглашиб туриб беихтиёр тепадаги деразадан қараб турган қизчани кўриб қолишди.

Шу пайт тўсатдан қизалоқ пастга шувиллаб «шўнгиди». Аёлларнинг айтишича, қизалоқ ҳудди ўзини сувга ташлагандек, сузишга интилаётгандек қўлларини ҳаракатлантирганмиш.

Аёллар аввалига саросимага тушиб қолишди. Сўнг дарҳол ўзларини ўнглаб, қўлларидаги камзулни ёзиб, қизчани «тутиб» қолишди. Бахтли тасодиф туфайли қизалоқ омон қолди.

АҚШ

МИНГ БИРИНЧИ САРТАРОШХОНА

Массачусетес штатидаги Бостон шаҳрида ҳайвонлар учун 1001-сартарошхона мижозларини қабул қила бошлади.

Америкаликлар ҳам ҳайвонот оламига шафқатли муносабатда бўлишади. Ғаройиб янгиликларга бой Бостонда бу янги «маиший хизмат тури»ни ҳужайинлар ҳам, «мижоз»лар ҳам яхши қарши олишди. Ҳатто ҳайвонларга мўлжалланган маиший тармоқдаям «юқори малакали мутахассис», «намунали хизмат тури» каби масалаларга алоҳида аҳамият беришади. Шу илгаги сартарошхоналар ҳам ўзаро рақобатда. Кўпроқ «мижоз» тўплашга ҳаракат қилади, курашади. Шу маънода Бостондаги янги сартарошхонада ишлар дастлабки кезданоқ чакки эмас.

Сахий соҳиблар бу хизмат тури учун мумайгина пул сарфлашишади. Хужайинлар ит, мушук, маймун, қуй, чўчқа ҳатто товуқларниям «пардоз»га тез-тез олиб келишади.

Янги Гвинея

ҚАЙҒУЛИ РАҚС

Диний маросим қўшиқларини ижро этаётган 27 нафар айтапелик туб аҳоли раққосларининг чиқиши мусибатли тугади. Гулхан атрофида рақс тушаётганларнинг ўт-ўланлардан «тикилган» диний маросим кийимлари иссиқ тафтида қуриб қолди. Қуруқ кийимларига сачраган учқундан ёнғин чиқди.

Томошабинлар эса жабрланувчиларга ёрдамга келишолмади. Негаки, улар ҳам ўт-ўланлардан «тикилган» диний маросим либосларида эди-да.

Афсуски, кўнгилларни эзгуликка етакловчи, руҳий таскин берувчи диний маросим эҳтиётсизлик туфайли қайғули рақс билан якунланди.

СУРАТДА: Сайхунобод туманидаги «Гулистон» ширкатлар уюшмасининг наслчилик фермаси сут соғувчилари Марьям Бозорова ва Гулсара Қодирова
У. УСМОНОВ олган сурат.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 14-серия.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Хоразм».
9.10 «Рикки-Тикки-Тави». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ватанпарвар».
10.45 «Турон тулпорлари». Спорт кўрсатуви.
11.05 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
11.45 «Мулжал». Публицистик кўрсатув.
12.30 Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг юбилей кечаси. «Туркистон» саройидан ёзиб олинган.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МҲСК» — «Пахтакор». Танаффус пайтида — Янгиликлар.
18.45 «Юксалиш». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Марказ ва минтақалар». Бухоро вилояти иқтисодиётининг таркибий тизимлари.
21.40 Дам олиш концерти.
22.20 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Нурли Тошкент оқшомлари».
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 6-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» (Қарши) — «Навбаҳор» (Наманган).

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 «Палитра».
19.05 ТВ-2 намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, ҳалос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ-2 намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Афшона — Абу Али ибн Сино ватани». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
18.10 — 20.40

*

20.40 «Буёқлар жилоси». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденеси
21.00 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «5+1». Интервью.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Тафсилот». Ахборот кўрсатуви.
20.20 «Кинематограф».
21.10 «Спорт-тайм».
21.40 «М»-хабар».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Кимга, қанақа?».
22.35 «Фотоальбом».
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 6-қисм.
9.35 Биржа ва банк хабарлари.
9.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Ўлоқ».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рақслар гулдастаси».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Адабиёт.
11.00 Немис тили.
11.30 Она тили.

*

12.00 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Кувноқлар даврасида».
18.35 «Диабетологларнинг II конгресси».
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳамкорликнинг ойдин йўли». Автомобилчиларнинг халқаро кенгаши.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Инсон ва қонун». Кечаги кун саболари.
21.45 Ўзбек куйларидан концерт.
22.25 ЎзТВ хазинасидан. Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 7-қисм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 АРТ-журнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Мусаввир нигоҳи». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Жайронлар ороли», «Армудлар». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевиденеси
21.00 — 23.50

*

23.50 Эълонлар.
23.55 — 24.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Йўловчи ва транспорт».
19.40 Эълонлар.
19.45 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.10 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 Америка бизнесининг тарихи. «Савдо капитализмининг тугилиши». 3-кўрсатув.
22.10 Эълонлар.
22.15 Джаз серпантини.
22.45 — 22.55 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 15

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Тоҳир Малик. «Сўнгги ўқ». Видеофильм. 7-қисм.
9.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз...» Тошкент шаҳар 55-ҳунар билим юрти қошидаги бизнес маркази.
10.00 Янгиликлар.
10.05 М. Қиёмов. «Деҳқон баҳори». Публицистик кўрсатув.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 Ўқитувчилар, Сизлар учун!
11.30 Инглиз тили.

*

12.00 Болалар учун. «Оқ руҳ».
12.20 «Суяксиз бола». Бадиий фильм.
13.30 «Ёш бастакорлар». Мусиқий дастур.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.40 «Табобат муъжизалари». Тележурнал.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Қашқадарё вилояти.
21.40 «Бустон». Тележурнал.
22.30 «Кино усталари». Бимбулат Ватаев.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Аразбек Маҳмудов концерти.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ-2 намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Вавака». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 22.15

*

Россия давлат телевиденеси
22.15 — 22.45

*

22.45 Эълонлар.
22.50 — 22.55 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Дунё эшиги».
20.20 «Кинематограф».
21.10 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Тошкент оқшомида».
22.30 «Аёл».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 16

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Кино усталари». Бимбулат Ватаев.
9.35 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
9.50 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Фарғонанинг мовий ҳалқаси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ишбилармонлик самаралари ҳақида.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Ботаника.
11.00 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
11.30 География.

*

12.00 «Оила маликаси» кўрик-танлови.
12.20 Чанг тароналари.
12.45 «Кулол ва ҳумча». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тилга эътибор...»
18.45 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бевосита мулоқот». Пенсия ва нафақалар ҳақида.
21.50 «Сахна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухтасар Йулдошева.
22.40 Санъат усталарининг концерти.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Дустлик» — «Нурафшон».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Фармед».
20.25 Эълонлар.

(Давоми 4-бетда).

МИНГ ТУСЛИ ХАСТАЛИК

Собиқ Иттифоқ медицинасида ўзбек олимларининг ўрни алоҳида эди. Бу бежиз эмас: бизнинг тиб илмимиз соҳасининг отаси — Абу Али ибн Синога бориб тақалади. Буюк ўтмишимиздан қувват олган ўзбек олимларининг номи кўплаб кашфиётлар билан боғланиб жаҳон томонидан тан олиб келинаяпти. Яқинда Ҳамдўстликнинг «Медицинская газета»си Ўзбекистонда чоп этилган «Профилактик неврология» китоби (бу йўналишга академик Е. И. Чазов асос солган) ҳақида бир мақола чиқарди. Қуйида мазкур мақолани муштарийлар ҳукмига ҳавола этар эканмиз, маданиятимизда, илм-фанда, маънавиятда азалдан ҳамкорлик чегара билмаслигини таъкидлаймиз.

Эътироф

Тошкентдаги тиббиёт адабиётлари нашриётида Европа ва Осиё медицина академияси академиги, Ўзбекистон Республика ФА мухбир аъзоси Н. Мажидов ва Нижний Новгород тиббиёт университети профессори, Европа ва Осиё медицина академияси академиги В. Трошин тайёрлаган «Профилактик неврология» китобининг иккинчи жилди босмадан чиқди.

Муаллифлар интеграл ёндашув ассосида перифериик асаб тизими ва асаб системасининг бузилиши касалликларини эрта аниқлаш ҳамда олдини олиш, нейросоматик (асаб тизимининг тартибга солиш функциялари бузилиши оқибатида пайдо бўлувчи соматик касалликлар), висцероневрологик (ички аъзоларнинг ўткир ва сурункали касалланишидан келиб чиқадиган неврологик патология) аломатларининг муаммоли масалаларини кўриб чиқадилар.

Бу касалликлар, деб таъкидлашади муаллифлар, одатда, сурункали тарзда кечади. Ижтимоий турмушда ҳис-ҳаяжон жунбушга келиши оқибатида асаб хасталикларининг кўпайиши қайд қилинмоқда. Айни пайтда улар кескин тарзда ва узоқ муддатда кечиб, меҳнат қобилиятининг пасайишига таъсир қилади. Оқибати ўлим билан тугайдиган ҳоллар кўп учрайди, айниқса, касалликлар рўйхатининг юқори сатрларида жойлашган асаб тизимининг қон томири хасталиги шундай натижа беради. Бу ҳозирги экологик шароитнинг ёмонлашуви, шунингдек, ҳис-туйғу ва руҳий муҳитда одамларнинг «мослашуви» қийин кечаётганлиги оқибати ҳамдир. Баъзида ҳаётдаги арзимас муваффақиятсизлик ёки турмуш «икир-чикир»и инсон руҳиятини жунбушга келтиради, неврология касалликларнинг хуруж қилишига туртки бўлади.

Шу маънода асаб тизимининг ўткир ва сурункали касалликлар келтириб чиқарувчи патологик, чегараловчи ҳолатлар сабаблари, тиббий тадбирларни фаол амалга ошириш, касалликларни дастлабки ва иккинчи босқичда олдини олиш усуллари муаллифлар томонидан кўриб чиқилгани диққатга сазовордир. Китобда Ўзбекистон неврология маркази, 1-ТошМИ ва Нижний Новгород тиббиёт университети асаб касалликлари кафедралари илмий ходимларининг кўп йиллик тадқиқотлари натижаси умумлаштирилган.

Муаллифлар орқа ва бош мия касалликлари, юз нерви невритлари, нейросоматик бузилишлар ташхиси ва олдини олишнинг янги услубиятини ёритганлар. Асаб тизими касалликларининг олдини олишнинг асосий тамойиллари, деб таъкидлашади муаллифлар, кўп ҳолларда юрак-қон томир ва бошқа юқумсиз касалликларнинг бошлангич профилактикасига тўғри келади, шунинг учун касалликларнинг дастлабки босқичда олдини олиш масалаларини ишлаб чиқишда поликлиника-амбулатория тармоғидаги невропатологлар, педиатрлар, терапевтлар, психиатрлар яқиндан ҳамкорлик қилишлари тақозо этилади.

Клиник тиббиётнинг энг муҳим қоидаси — «касалликни эмас, беморни даволаш» — профилактика дастурларини ишлаб чиқишда асосий ўрин тутади. Бу йўналишда муаллифлар катта тажриба тўплашганки, бу мулк амалий ишлар учун бебаҳо аҳамият касб этади. Нейрофизиологик тадқиқотлар уларга асаб касалликларининг динамик пато ва саногонез концепциясини яратиш имконини берган. Бу концепция нейроонто ва филогенез, нейрореактивлик ва мослашувчанлик, кўпфакторлилик ва динамизм, босқичлилик ва изчиллик оқими тамойилларига асосланади. Асаб патологияси ривожида диснейроонтогенез ва диснейроадапттивлик муҳим ўрин тутади. Китоб неврапотологлар, психиатрлар, терапевтлар, педиатрлар ва тиббиёт олий ўқув юртларининг юқори курс талабаларида катта қизиқиш уйғотади.

Озод ХЎЖАЕВ,
профессор.
Тошкент.

АЛИ ДИЛ ЛТД

"Ҳаммаси уй-рўзғор учун" туркумидаги жами 150 турдаги хилма-хил товарлар

ФАҚАТ БИЗДА МАВЖУД.
Нархи ҳам бозор нархидан анча арзон.
Товарлар ҳам чакана, ҳам улгуржи нархларда
СОТИЛАДИ
Харид пайтида улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Чилонзор мавзеси, 1-даха, Ю.Гагарин кўчаси, 65-уй. "Чилонзор" савдо маркази рўпарасида.

Маълумот учун телефонлар:
77-50-27, 77-58-04.

АЛИ ДИЛ ЛТД ФИРМАСИ.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖЎРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ШАКАРОВ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматда 31847 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0242

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Спорт

АНДИЖОНДА «ЧЕЛЕНЖЕР» ҒОЛИБЛАРИ

Андижонда ўтказилган «Челенжер» халқаро теннис турнири якунланди. Ҳамюртимиз Дмитрий Томашевич чорак финалда финляндиялик Кеттола билан баҳслашиб, ғолиб чиқди ва ярим финалга йўлланма олди. Ўзбекистонлик теннисчи ярим финалда уч марта франциялик профессионал теннисчи, Фарғона мусобақаси ғолиби Стефан Симианга ютқазиб қўйди. Шундан сўнг Стефан Симиан финалда африкалик Грант Стаффортга қарши ўйнади. Ҳар икки теннисчи ҳам маҳорат намойиш этсада, омад Грант Стаффортга кулиб боқди.

Совриндорлар, турнир ташкилотчилари, ҳамда ҳакамларга миллий тўн-дўппилар кийгизилиб, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Андижонда ўтказилган халқаро теннис турнирининг аҳамияти катта. Жуда кўп спортчиларнинг рейтинги ошди. Халқаро теннис беллашувларини ташкил этиш бўйича тажриба тўпланди.

«Челенжер» халқаро турнири тугасада, Андижондаги теннис маскани ҳамюртларимиз учун доимий машғулот гўшаси бўлиб қолади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Болаликда сочимни онам
Ўрардилар қирқ кокил қилиб,
Бетинчлигим учун сочим ҳам —
Қолар эди тезда чигалиб.

Ўйга толдим бугун паришон
Ул бахтиёр кунларни эслаб.
Сочларимни эса ногаҳон
Ўргим келди бирам майдалаб...

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат-лавҳа.

АЁЛ КИТОБ ЎҚИСА...

Биз ҳаётда моддий ва маънавий бойликлар ичра кўмилиб яшаймиз. Қай биримиз моддий бойлик йиғишни, йиққан хирмонимизга қараб лаззатланишни кўпроқ хуш кўрамиз. Қай биримиз эса аксинча, маънавиятимизни бутлаш йўлидан борамиз. Назаримда, моддий бойликларга ҳавас фақат кўзларгагина завқ беради, фақат кўзларнигина қувонтиради, холос. Аммо, кўнгил-чи? Кўнгил кўзини тиниқлаштириб, унга завқ бергувчи бошқа бир тилсим бор. У — китоб... Мен китобга меҳрини қўйиб, уни эъзозлаган оилаларнинг ҳавоси мусаффо бўлишини кўп кузатганман. Бундай хонадонларда инсон қадри улуғланади, ота-оналик ва фарзандлик бурчи чуқур идрок этилади. Энг муҳими, китобхон оилаларда аҳиллик ва садоқат ҳукмронлик қилади. Чунки кўп оилавий можароларнинг сабаби рўзғордаги арзимаган етишмовчиликларни катта фожиадек қабул қилиш, эртани ақл кўзи билан кўра олмаслик, кўр-кўрона фикр-лашга бориб тақалади.

Кўнгил мулки

Баъзан қишлоқ аёллари ораси-да бўламан. Даврамиз кенгайиб, суҳбат қизигандан қизийди. Оила юмушлари ва муносабатлар, фарзанд тарбиясидан бошланган суҳбат ўз-ўзидан бозорга — нарх-навога бурилиб кетади. Аёлларнинг завқу шавқ билан сўзлаётганларини кўриб ноилож қоламан.

Аслида кундалик юмушларидан вақт ортириб, китоб ёки газета ўқийдиган аёлларни биз кам учратамиз. Қишлоқ кутубхоналари кўпинча китобхонга зор бўлиб ҳувиллаб ётади. Шаҳар дўконларига чиққан аёл кўпинча қўша-қўша кийим-кечак ва егуликлар харид қилади-ю, аммо бир донагина китоб сотиб олишни хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳаммамиз болалигимизданоқ китобларга ошно бўлиб ўсганмиз. Турмуш ташвишларига берилгач эса китобни деярли унутиб қўямиз, фикру ўйимиз кўпроқ майда икир-чикирлар билан банд бўлади.

Одатда, шанба ва якшанба дам олиш куни сифатида берилган. Лекин аёлларимиз учун энг қайноқ ва энг чарчоқ дамлар мана шу икки кун ҳисобланади. Шундай серюмуш кунларда кўп кузатаман. Қўшним Фазилатхон ҳовлидаги ўриндиқда уззукун китоб ўқиб ўтирган бўлади. Бир куни юмушларимни тугатиб ҳовлига чиқсам, қўшним ҳалиям ўша жойда ўтирибди. Ёнига ҳорғин чўкдим. Менинг шарпамни сезиб, қўлидаги китобни ёпди, «Узр, берилиб кетибман, — деб мен билан омонлашди. «Сизга яхши-да, Фазилатхон, бўй етган қизларингиз бор, уй ишини зумдаёқ эплашади», — дедим ҳавасланиб. «Қизларим дадалари билан укаларини паркка айлантиргани олиб кетишган» — деди қўшним. Кейин кулди: «Улар паркда айланишса дам олишади, мен китоб ўқисам дам оламан». «Ахир уй ишларини қачон бажарасиз?» — сўрадим қизиқиб. «Мен ҳеч вақт дам олиш кунига юмуш қолдирмайман, — деди у, — уй ишларини ҳафта давомида оз-оздан бажариб қўяман. Дам олиш кунини эса ўзимга қараш, китоб ўқиш учун имкон куни деб ҳисоблайман...»

Қаранг, агар аёл эпчил бўлса, дам олиш учун ҳам бемалол вақт ажратиши мумкин экан! Биз эса нуқул уй юмушлари кўплигидан, китоб ўқиш у ёқда турсин, ҳатто телевизор кўришгаям вақт тополмаслигимизни айтиб, нолиганимиз-нолиган.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сизнинг услуб».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Сулола». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.10 — 20.40

*

20.40 «Ўтиш жойи». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 21.30

*

21.30 «Горец-2». Бадиий фильм (АҚШ).
22.50 Эълонлар.
22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Компьютер-ревю».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Каталог».
20.30 «Уй остонадан бошланади».
21.10 «Эколот-коктейль».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
22.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 17

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мухтасар Йўлдошева.
9.20 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.40 «Ўзбектелефильм» кўрсатади. «Шайхонтохур».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Мактабимиз — фахримиз».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Хазинамиз таянчи». Солиқ ходимларининг иш фаолиятидан.
12.30 «Куйла, дилкаш дуторим!». Мусиқий кўрсатув.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Атласчи».
14.00 —14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз». Телебеллашув.
18.55 «Маърифат маскани».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Фуқаролик жамиятида оиланинг ижтимоий ва ҳуқуқий аҳволи.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Миллат». Публицистик кўрсатув.
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамблининг концерти.
22.30 «Армонли дунё». Абдурауф Фитрат.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.40 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор» — «Машъал».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртак».
18.35 «Оҳанглар оғушида».
18.55 «Блиц». Фотокўрик.
19.05 «Эртага — шанба».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Офарин».
21.40 «Таманно».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 —23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Етти қул». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденнеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

18.15 — 20.40

*

20.40 «Эстафета». Спорт кўрсатуви.
20.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевиденнеси
21.00 — 23.35

*

23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.45 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Мультқарусель».
19.00 «Самарали изланишлар». Чигиттнинг янги навлари ҳақида.
19.30 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Интерпартнер».
20.50 «Билиб қўйган яхши».
21.15 «Бизнес-академия».
21.40 «Мусиқий меҳмонхона».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Тақдирлар». Ҳалима Носирова.
23.05 — 23.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 18

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Тўй ўрнига томоша». Каттақўрғон мусиқали драма ва комедия театрининг спектакли.
10.00 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
10.25 «Эъзоз». Бобур назари тушган шаҳар.
10.55 «Қутлов». Ахбор Имомхўжаев.
11.45 «Олимп сари».
12.05 «Хотира». Комил Алиев.
12.25 «Таранним». Мусиқий дастур.
12.55 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
13.55 — 14.40 «Санъаткор». Қўзижон Ҳакимов.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Еттига етти». Телебеллашув.
18.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15-серия.
21.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқлар кўрик-танлови.
22.00 «Оламда бир олам гап».
22.15 «Олтин мерос». Абадият билан бўйлашиб.
22.50 «Тунги вғду». Дам олиш кинодастури.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
9.35 «Компьютер-Осиё».
10.05 «Ҳайвонот оламининг сирлари».
10.55 «Автосалон».
11.15 «Сизнинг услуб».
11.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 —14.50 «Спорт қитъаси».

***

18.00 «Совга».
18.20 «Фармед».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Олам». Маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мактуб».
20.05 «Имкон чўққилари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мусиқа салтанати».
21.20 Видео янгиликлари.
21.40 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 — 00.20 Видео — «О».

III

16.40 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
16.50 — 20.40

*

20.40 «Жонли сайёра».
21.00 «Фирибгарлар». Бадиий фильм (Франция).

*

Россия давлат телевиденнеси
22.30 — 23.55

*

23.55 Эълонлар.
24.00 — 00.15 «Занданечи сири». Телефильм.

IV

10.00 «Арслоннинг саргузаштлари». Болалар учун фильм. 2-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Умид» (уйғур тилида).
11.50 «Лицедейлар». Телефильм.
12.20 — 13.00 «Замандас» (қозоқ тилида).

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Телеташриф».
19.20 Эълонлар.
19.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.15 «Эсдалик учун дастхат».
20.40 «Заковат». Ёшлар учун дастур.
21.05 «Бугунги Европа».
21.25 «Оқ соя».
21.55 Эълонлар.
22.00 «Шаҳрим — фахрим». Публицистик кўрсатув.
22.40 «Бу ажиб дунё».
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 19

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Қамалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 15-серия.
11.30 «Ижод меҳри». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимовнинг ижодий кечаси.
12.35 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.20 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.10 — 14.55 «Театр учрашувлари». Садриддин Айний номидаги Бухоро вилоят театри.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
18.10 «Қушиғим, жон қушиғим».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мультипанорама».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 16-серия.
21.35 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дастур.
22.15 Диққат, премьера: Абдуҳолиқ Абдураззоқов. «Ўртоқ Бойкенжаев...». Видеофильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 —00.30 «Жаҳон киноси юлдузлари». Мэрилин Монро.

II

9.00 «Эртак».
9.20 «Блиц». Фотокўрик.
9.30 «RAKS» тақдим этади.
10.00 «Ривоят».
10.10 «Офарин».
10.40 «Таманно».
10.50 «Олам». Маърифий кўрсатув.
11.40 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
12.35 «Мактуб».
12.45 «Имкон чўққилари».
13.05 «Мусиқа салтанати».
13.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.05 — 15.45 Видео — «О».

***

17.00 «Келгуси ҳафтада».
17.05 Эълонлар.
17.20 Болалар учун. «LEGO» сайёраси».
17.45 «Юлдузлар».
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал (Миср Араб Республикаси).
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шаҳс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Футбол олами».
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Фармед».
21.50 «Даракчи».
22.00 «Келгуси ҳафтада».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 — 00.30 Видео — «О».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденнеси
18.10 — 21.35

*

21.35 «Чавандоз Зариповлар». Телефильм.

*

Россия давлат телевиденнеси
22.00 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 — 23.40 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 Эълонлар.
12.15 «Парле ву франсэ». Француз тили ҳамма учун.
12.45 «Подиум».
13.05 — 13.25 «Жонли сайёра».

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Сиёҳдонча». Болалар учун дастур.
19.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
19.55 Эълонлар.
20.00 «Миср кеча ва бугун». 10-курсатув.
20.45 Кинонинг олтин асри. «Катта маневрлар». Бадиий фильм.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Туризм-ревю».
23.10 «Бу ажиб дунё».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ
15 май ва 24 май кунлари абитуриентлар учун
«ОЧИҚ ЭШИКЛАР»
кунини ўтказади.
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Чилонзор мавзеси, 9-уй.
Автобуслар: 2, 94, 34, 77, 50, 80.
Троллейбуслар: 6, 11.
Трамвайлар: 4, 9.
«Чилонзор» бекати.
Метронинг «Ҳамза» бекати.

«НУРБЕК» ФИРМАСИ
«ВАЗ-21-099» маркали 1995 йилда ишлаб чиқарилган садаф рангли енгил автомашинани пул ўтказиш йўли билан сотади.
Мурожаат учун телефонлар: 48-92-46, 54-79-02.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги «Жавоҳир» жамоа корхонаси
ТУГАТИЛАДИ.
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.
Тел: 22-16-16, 22-55-82.

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани давлат санитария-эпидемиология станцияси жамоаси бош давлат санитар шифокори Ш. А. Акромовга волидаи муҳтарамаси **Шапоат ая АКРОМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЛИЦЕЙГА ҚАБУЛ!

САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ 1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатга қишлоқ мактабларининг тўқизинчи синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Ҳужжатлар 25 июнгача қабул қилинади.

Лицей ўқувчиларни танлаш тест синовлари (суҳбат) асосида 26 июндан — 30 июнгача ўтказилади.

Машғулотлар 1996 йилнинг 2 сентябридан бошланади.

Машғулотларни институтнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари олиб боради.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар барча шароитлари мавжуд бўлган ётоқхона ва тўрт марта иссиқ овқат билан бепул таъминланадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

— лицей директори номига ота-оналари розиликлари кўрсатилган ариза;

— 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги шаҳодатнома;

— 3х4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат;

— соғлиги тўғрисидаги У-86 тиббий маълумотнома.

Лицейда иқтисодиет (бухгалтерия ҳисоби ва аудит, маркетинг) ҳамда овқатланиш маҳсулотлари технологияси (консерва, пишеконцентратлар технологияси ва умумий овқатланиш маҳсулотлари технологияси), молия ва кредит (солиқ ва солиқ солиш) йўналишлари бўйича институтга ўқишга кириш учун ихтисослашган таълим берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: 703000, Самарқанд ш., Амир Темур кўчаси, 9.
Лицейга ҳужжатлар институт ҳовлисидаги спорткомплекс биносининг 1-қаватида қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАР: 33-39-90, 33-38-72.